

---

Фаол хотин-қизлар юртни яшнатувчи эзгу лойиҳа доирасида ниҳоллар экди

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида Ўзбекистон туманида кенг кўламдаги кўкаламзорлаштириш тадбирлари, кўчат экиш акциялари қизғин паллага кирди.

Бугун туман оила ва хотин-қизлар бўлими ташаббуси билан ташкилланган навбатдаги хайрли тадбир иштирокчилари ҳам она ер бағрига эзгу ниятлар билан 600 тупдан зиёд терак ва манзарали дарахт кўчатларини қадашди.

Унда иштирок этган вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Хабиб Сирожитдинов ва туман сектор раҳбарлари акция қатнашчиларига, уларнинг тимсолида яшил ҳудудларни кенгайтиришда муносиб ҳисса қўшаётган барча фидоий опа-сингилларга миннатдорлик билдирди. Давлатимиз раҳбари бошлаб берган мазкур лойиҳа вилоятимиз ҳудудларини ҳам яшил майдонларни кенгайтириш, гўзал боғ-роғлар яратиш ва теvarак-атроф мусаффолигини таъминлаш имкониятини бераётганлиги таъкидланди.

2024-11-28 14:00:07